

Жаннат аҳлининг бу дунёдаги сифатлари



13:06 / 25.11.2018 4818

Ибн Ваҳб Ибн Зайддан ривоят қилади: "Аллоҳ таоло жаннат аҳлини бу дунёда кўрқувчи, маҳзун, кўп йиғлайдиган, мушфиқ, шунинг оқибатида охиратда неъматланган ва шод бўладилар, деб васф этган. Аллоҳ таолонинг шундай сўзи бор:

"Ҳақиқатан, бизлар илгари (ҳаёти дунёда) аҳли оиламиз орасида (бўлган чоғимизда охиратда Аллоҳнинг азобига дучор бўлишдан) кўрқар эдик" (Ват-тур, 26).

Дўзах аҳлини эса, бу дунёда хурсандчилик ва шодлик билан сифатлаган:

"Дарвоқеъ, у (ҳаёти дунёдалик пайтида) аҳли оиласида (ўз куфру исёни билан) шоду хуррам эди. Албатта, у ўзининг ҳеч қачон (Парвардигори ҳузурига) қайтмаслигига ишонар эди" (Иншиқоқ, 13-

14)".

Жаннат аҳлининг бу дунёдаги васфига юқоридаги хабар кифоя қилади.

Имом Қуртубий
нинг “Тазкира”сидан